


Юртимиз уламоларининг Сурхондарё вилоятига ташрифи бошланди



15:28 / 28.07.2021 1577

Жорий йилнинг 28 июль куни юртимиздаги бир гуруҳ таниқли уламоларнинг Сурхондарё вилоятига ташрифлари бошланади.

Сафар давомида маънавий-маърифий учрашувлар, олис ва чекка ҳудудлардаги аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар, таниқли уламолар иштирокида жоме масжидларда суҳбатлар ўтказилиши ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишларни амалга ошириш мақсад қилинган.

Шунингдек, вилоят аҳлини юртимизда бўлаётган ўзгаришлар мазмун-моҳияти ҳақида хабардор қилиш билан бир қаторда, уларнинг дарду ташвишларига кўмаклашиш, фикр-мулоҳазаларини тинглаш ва диний соҳага тегишли муаммоларини жойида ўрганиб, бартараф этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу сафарга Тошкент шаҳридан қуйидаги уламоларимиз

боришлари кўзда тутилган:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари
Ҳомиджон қори Ишматбеков;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон
домла Иномов;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси Салоҳиддин
домла Шарипов;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи Эрдон домла Эсонов;

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов;

Юнусобод тумани бош имом-хатиби Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов;

Яшнобод тумани бош имом-хатиби Фазлиддин домла Аллаёров;

Учтепа тумани бош имом-хатиби Қувондиқ домла Боймуродов;

Фарғон вилояти Тошлоқ тумани бош имом-хатиби Шукруллоҳ домла
Эгамбердиев;

Тошкент шаҳри «Убай ибн Каъб» жоме масжиди имом-хатиби Абдулҳаким
қори Матқулов;

Тошкент шаҳри «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди
имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содик;

Тошкент шаҳри «Ракат» жоме масжиди имом-хатиби Роббимқул домла
Муҳаммадиев;

Тошкент шаҳар «Яккасарой» жоме масжиди имом-хатиби Салоҳиддин
домла Ташанов;

Тошкент шаҳар «Доруссалом» жоме масжиди имом-хатиби Муҳаммадраҳим
домла Абдуқодиров;

Тошкент шаҳар «Умар ибн Хаттоб» жоме масжиди имом-хатиби Мансур
домла Даминов;

Қолаверса, ушбу мулоқот ва тадбирларда Президент маслаҳатчиси Шоазим
Миноваров, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содикжон Тошбоев ва бошқа
мутасаддилар ҳам иштирок этиши режа қилинган.

Аллоҳ таоло уламоларимиз сафарини хайрли ва манфаатли қилсин!